

АҚШнинг Халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) АҚШ федерал ҳукуматининг мустақил ва икки партияли комиссияси бўлиб, чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисидаги универсал ҳукукка риоя этилишини кузатиб боради. 1998 йили қабул қилинган “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги (IRFA) қонун асосида ташкил этилган USCIRF чет мамлакатлардаги дин ёки эътиқод эркинлиги бузилишларини кузатиш учун халқаро стандартлардан фойдаланади, ҳамда президент, давлат котиби ва Конгрессга сиёсий тавсиялар беради. USCIRF Давлат департаментидан алоҳида ва мустақил ташкилотdir. “2019 йилги йиллик ҳисобот” жойлардаги ҳукуқбузарликларни ҳужжатлаштириш ва АҚШ ҳукуматига мустақил сиёсий тавсиялар бериш масаласида маҳсус вакиллар ва профессионал ходимлар амалга оширган бир йиллик ишнинг натижасидир. “2019 йилги йиллик ҳисобот” 2018 йил январидан 2018 йил декабригача бўлган даврни ўз ичига олади, аммо баъзи ҳолларда бу муддатдан олдин ёки кейин содир бўлган муҳим воқеалар ҳам эслаб ўтилади. USCIRF ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун [мана бу](#) веб-саҳифага киринг ёки USCIRF’га 202-523-3240 рақамни териб, тўғридан-тўғри мурожаат қилинг.

## Ўзбекистон

**Муҳим хуносалар:** 2018 йилда Ўзбекистонда баъзи соҳалардаги диний эътиқод эркинлиги шароитлари ижобий томонга ўзгарди, бироқ жиддий хавотирлар сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон йил давомида мамлакатда диний эркинликларни кенгайтириш йўлидаги ислоҳотни давом эттиради. Қайд этиш лозимки, 2018 йил майида Ўзбекистон парламенти диний эътиқод эркинлиги шароитлари яхшилаш мақсадида йўл харитасини қабул қилди ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича маърузачисининг тавсияларини унга киритди, шунингдек 1998 йилда қабул қилинган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги шафқатсиз қонунни қайта ёзиш мажбуриятини олди. Ҳукуматнинг энг юқори даражасида ижобий ўзгаришлар юз бераётганига қарамай, диний эътиқод эркилигини қўйпол тарзда бузиш ҳоллари давом этди. Минглаб мусулмон маҳбуслар диний экстремизмда айбланганича панжара ортида қолди. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида озод этилган маҳбуслардан бирортаси жамиятга тўлиқ қайта интеграция бўлиш учун оқланмади ҳамда ҳукумат собиқ маҳбусларга адолатга эришиш ва номини оқлаб олиш учун ҳали имконият бермади. Ҳукумат мактаб сингари муассасаларда мусулмонлик белгилари намоён бўлишини чеклашни давом эттиради, ўша ерларда қизлар ва аёлларнинг ҳижоб ўраши тақиқланди, бундай тақиқларни танқид қилганлар қисқа вақт ҳибсга олиш ва жарималар билан ёки камида бир ҳолатда жамоат арбобини ишдан бўшатиш билан жазолади. Айни чоқда маҳаллий ҳокимият идоралари давлат рўйхатидан ўтмаган ёки ўта олмаган христиан жамоатларини диний адабиётга эгалик қилгани ёки уни тарқатгани, миссионерлик фаолияти билан шуғуллангани учун

таъқиб қилишни давом эттириди. Ваҳоланки, ҳукумат жамоат хавфсизлигига таҳдид қилмайдиган фаолият турларини жиноят деб ҳисобламаслик борасида иш олиб боришга вайда берган эди. Бутун мамлакат бўйлаб маҳаллий ҳокимият идоралари ва милиция кучларини бундай жиловлай олмаслик ҳукуматнинг ўзгаришларни тепадан пастга қадар амалга ошириш учун ҳамон имконияти етарли эмаслигини кўрсатади. Аксинча, йил давомида милиция кучлари ва Ўзбекистон давлат хавфсизлиги хизмати (ДХХ) ходимлари христиан жамоатлари, хусусан, баптистлар ва Иегова шохидларини таъқиб қилиш, кўркитиши, уларга нисбатан рейд уюштириш, жаримага тортиш ва ҳибсга олишни давом эттириди.

USCIRF ушбу қонунбузарликларга асосланиб, “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга (IRFA) кўра, Ўзбекистонни яна 2019 йилда ҳам “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” (АТУМ) деб белгилашни лозим деб топади. 2018 йил ноябрیدа АҚШ давлат департаменти Ўзбекистоннинг ўзининг “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” (АТУМ) рўйхатидан чиқариб, “Махсус кузатув рўйхати”га киритган эди. Бу “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга (IRFA) 2016 йил декабрида киритилган ўзгартириш сабаб пайдо бўлган янги тоифадир. АТУМ белгисидан фарқли ўлароқ, “Махсус кузатув рўйхати”га киритилганларга бирор жарима, санкция ёки бошқа шунга ўхшаш чоралар қўлланмайди. USCIRF ҳукуматнинг ислоҳот ўтказиш истаги ва бундан манфаатдор эканини тан олади, бироқ шунга қарамасдан, Давлат департаментига Ўзбекистонни “Халқаро дин эркинлиги тўғрисида”ги қонунга кўра, “алоҳида ташвиш уйғотувчи мамлакат” (АТУМ) деб белгилашни ҳамда диний эътиқод эркинлиги шароитлари барқарор тарзда яхшиланишини таъминлаш учун таъсир этувчи воситалардан фойдаланишни тавсия қиласди.

## **АҚШ ҳукуматига тавсиялар**

- Ўзбекистон ҳукумати билан диний эътиқод эркинлиги шароитлари узок муддатли яхшиланиши йўлида қўядиган қадамларига оид IRFAнинг 405 (с)-бандида рухсат берилган тарзда мажбурий битим тузиш;
- Ўзбекистон ҳукумати билан 1998 йилда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун халқаро инсон ҳуқуки стандартларига мос бўлишини таъминлаш учун ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон ҳукуматини диний жамоатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича талабларни йўқ қилишга, ғавғо солишга ундумайдиган диний адабиётларни тарқатиш ва уларга эгалик қилишга ва диний эътиқодларни алмашишга рухсат беришга ундаш;

- Ўзбекистон ҳукуматини кўплаб диний маҳбуслар – виждан тутқинлари сақланадиган машъум “Жаслиқ” қамоқхонасини ёпишга ва қамоқхонани мустақил мониторинг қилишга ундаш; ва
- Тинч диний фаолияти ёки диний тегишлилиги учун қамоққа олинган инсонларнинг тез орада озод қилиниши учун энг юксак даражаларда босим ўтказиш ҳамда Ўзбекистон ҳукуматига маҳбусларга инсоний муносабатда бўлиш, уларга оиласи, инсон ҳуқуқига риоя этилишини кузатувчи ташкилотлар вакиллари ва адвокатлар билан учрашиши, диний эътиқод амалларини бажариши ҳамда тегишли тиббий ёрдам олишига рухсат бериши учун босим ўтказиш.

## Маълумот

### Ўзбекистон

**Тўлиқ номи:** Ўзбекистон Республикаси

**Бошқарув усули:** Президент Республикаси

**Аҳолиси:** 32 653 900 киши\*

**Давлат тан оладиган динлар/эътиқодлар:** ислом ва насронийлик (православ, католик ва протестант) ва яхудийлик

**Дин демографияси\*\*:**

93% мусулмонлар (92% суннийлар ва 1% шиалар)

4% рус православ насронийлари

3% бошқалар (жумладан, баҳойлар, буддавийлар, ҳаре кришналар, Иегова шоҳидлари, яхудийлар, протестантлар ва Рим католиклари)

\*\*Ўзбекистон ҳукуматининг ахборот манбалари

\*АҚШ Давлат департаменти маълумотларига асосан

Ўзбекистон Конституцияси дин ёки эътиқод экринлигини таъминлайди, бироқ “бошқа фуқаролар, давлат ёки жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуки ва эркинликлари”га даҳл қиласиган жойда ўша эркинликни чеклайди. Дин эркинлиги ҳам 1998 йили қабул қилинган “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик ва Жиноят кодекслари билан тартибга солинади ва назорат қилинади. 1998 йили қабул қилинган қонунда диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтиши талаб этилади ҳамда рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот фаолияти жиноят деб ҳисобланади. Рўйхатдан ўтмаслик рейд, ҳибс, қамаш, энг кам иш ҳақининг бир неча баробари миқдоридаги жарималарга сабаб бўлади. Диндан хусусий таълим бериш, прозелитизм ва бошқа миссионерлик фаолияти қатъий тақиқланади. Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (ДИҚ) давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотлар фаолиятини назорат қилиш учун масъул органдир. Диний материаллар мазмуни, уларни ишлаб чиқариш

ва тарқатишига расмий рухсат талаб этилиши сабабли ДИҚ диний материалларни кўриб чиқиш ва цензура қилиш билан шуғулланади.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги диний фаолият назорати хавфсизлик билан изоҳланади ва бу ҳокимият идораларидан диний экстремизм ва терроризмга қарши курашни талаб қиласди. Айни ҳол Давлат хавфсизлиги хизматининг бу ишдаги иштирокини ва диний жамоаларни назорат қилишини оқлашга хизмат қилди. Шунга қарамасдан, ҳалқаро инсон ҳуқуки ҳимояси ташкилотлари ҳукумат ҳурфикрилийкни бўғиши учун эстремистик ва террористик ташкилотлар билан алоқадорликдай сохта айловлардан фойдаланади. ДХХ ходимлари эса икрорлик олиш учун қийноқ қўллаганликда айбланмоқда. 2018 йил январида президент Мирзиёевнинг “ҳар бир оддий масалага миллий хавфсизликка таҳдид деб қаралгани” хусусидаги танқидидан сўнг илгари Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) деб аталган ДХХ раҳбари Рустам Иноятов ишдан олинди. 2018 йил февраляда Айдарбек Тулепов ҳам шунга ўхшашиб тарзда Ўзбекистон мусулмонлари идораси (ЎМИ) раиси ўринбосари лавозимидан четлаштирилди. МХХ ЎМИга диний ташкилотлар фаолиятини кузатиб боришни топширгани айтилади. Масжидлар фаолиятини кузатиш топширилган бошқалар амалдорларнинг иши ҳам вақтинча тўхтатилди.

2018 йил давомида президент Мирзиёев раҳбарлигидаги ҳукумати кенг қамровли сиёсий ва иқтисодий ислоҳот ўтказиш дастурини амалга оширишни давом эттириди. Ҳукумат амалдорлари инсон ҳуқуки ҳимоясига ва қийноқларга қарши курашишга қаратилган саъи-ҳаракатларга эътибор қаратди. Гарчи 2017 йилда қийноққа солиш орқали олинган гувоҳликлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги фармон қабул қилинган бўлса-да, йил давомида қийноқлар ҳақидаги гап-сўзлар тўхтамади.

## 2028 йилги дин эркинлиги шароитлари

**Ижобий ўзгаришлар:** 2018 йил давомида Ўзбекистон ҳукумати мамлакатдаги дин эркинлигига оид хавотирлар, давом этаётган ислоҳот йўлида ҳалқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги масалаларни очиқча муҳокама қилишни давом эттириди. 2018 йил майида парламент БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича маҳсус маърузачиси Аҳмад Шоҳиднинг 2017 йил октябридаги сафарига ва 2018 йил февралидаги тавсияларига бевосита жавоб сифатида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш йўлидаги “йўл харитаси”га оид қўшма қарор қабул қилди. Йўл харитасида эълон қилинган мақсадлар қуидагилардан иборат бўлди: қонунчилик базасини такомиллаштириш ва 1998 йилда қабул қилинган қонунни қайта ёзиш; диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнини яхшилаш, жумладан, бунинг учун тўловни камайтириш ва таъсисчилар сонини 100 кишидан 50 кишига тушириш; дин ва эътиқод эркинлиги масаласида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят қодексига ўзгартришлар киритиш; “экстремизм”

атамасининг ўта кенг таърифини қайта қўриб чиқиш; “диний экстремизм”, “конституцияга зид фаолият” ёки “ноқонуний диний ташкилотга аъзолик” айлови қўйилган кишиларнинг жиноят ишларини қайта қўриб чиқиш.

Ўзбекистон ҳукумати ислом амалларини шахсий ёки омма билан бирга бажариш борасидаги узоқ муддатли чекловларни енгиллаштириш борасида ҳам ижобий қадамлар қўйди. Шу пайтгача бундай амаллар синчилаб кузатиб борилаётган ҳамда ислом экстремизмига қарши кураш деб тахмин қилинган восита сифатида назорат қилинаётган эди. 2017 йилдаги тамойилларга кўра, ҳукумат диний таълим беришни кенгайтириш ва ижтимоий муҳокамаларда диний мавзуларда фикр билдиришга рухсат бериш билан эркинликларга йўл очишни давом эттириди. 2018 йил январида Адлия вазирлиги ислом тадқиқотларига оид илк олий таълим муассасаси – Ўзбекистон Халқаро ислом академиясини давлат рўйхатидан ўтказди. Ҳукумат, шунингдек, Қуръон ва ҳадислар қироати мусобакасига хомийлик қилди. Бу олдинлари жамоатчилик кўз ўнгидаги художўйликни цензура қилишдан қочиш йўлидаги қадам деб баҳоланмоқда.

2018 йил декабрида ЮМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон тақдим этган “Маърифат ва диний бағрикенглик тўғрисида”ги қарорни [маъқуллади](#), унда БМТга аъзо мамлакатлар тоқатсизлик ва камситишни бартараф этиш ҳамда дин ва эътиқод эркинлигини ҳимоя қилишга даъват этилади.

**Ўзбошимчалик билан диний экстремизда айлаш:** Ҳукумат амалдорлари кўпинча дин ва диний фаолиятни тартибга солиб туриш заруратини диний экстремизмнинг доимий таҳди迪 билан изоҳлайди. Гарчи ҳукумат сўнгги йилларда кўплаб Ўзбекистон фуқаролари Ироқ ва Суриядаги Ислом давлатига (ИШИД) бориб қўшилгани ёки уни қўллаб-кувватлагани сабаб радикаллашув ва терроризмдан ҳақли равишда ташвишланса-да, диний экстремизмга оид айловлар вақти-вақти билан ўта мужмал, асоссиз ва сохта бўлди. Гарчи 16 мингга яқин киши ҳукуматнинг диний экстремистлар деб аталаётган қора рўйхатидан чиқарилган, 2017 йил охирида бир қанча сиёсий маҳбуслар қамоқдан бўшатилган бўлса-да, диний экстремизм ёки тақиқланган диний ташкилотларга аъзоликда айланган минглаб кишилар қамалганича қолди, уларнинг сони 1500-7000 киши деб тахмин қилинмоқда. Инсон ҳуқуки ҳимояси ташкилотлари маълумотига кўра, уларнинг кўпчилиги 20 йилдан кўпроқ вақтдан бери панжара ортида қолмоқда.

2018 йил февралида маҳаллий инсон ҳуқуки ҳимояси фаоли Мусажон Бобожонов устидан суд бошланди. Унга Жиноят кодескининг 244<sup>1</sup>-моддаси бўйича экстремизм айби қўйилмоқда. Милиция ходимлари унинг компьютеридан “экстремистик” материаллар чиққанини иддао қилмоқда. Бобожонов “Озодлик” радиосига берган интервьюсида ўша материаллар “радикал адабиётларнинг салбий таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқот” иши

учун керак бўлганини ва у олдин ушбу мавзуда бир қанча китоблар чоп эттирганини тушунтириди. 2018 йил мартада унга “жамоат хавфсизлиги ва тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш” айлови қўйилди ва 3 йилга шартли қамоқ жазоси берилди. 2018 йил июнида Файрат Зияходжаев ҳам интернетдан юклаб олинган диний матнлар топилгани учун жазоланди. Унга ҳеч қандай қамоқ жазоси берилмади, бироқ телефони ва ота-онасининг компьютерини йўқ қилишга буйруқ берилди.

2016 йил февралида христиан динига эътиқод килувчи, балиқ етиштирувчи фермер Арамис Авакян “конституцияга зид фаолиятни режалаштирганлик” ва диний экстремистик ташкилот фаолиятида иштирок этганлиқда айбланиб, етта йилга қамалди. Авакяннинг оиласи у ўзи эгалик қилаётган балиқчилик фермасини маҳаллий амалдор ихтиёрига бериб юборишни истамагани учун шу кўйга солинганини иддао қилди. Маҳаллий ва халқаро инсон ҳуқуқи ҳимояси ташкилотлари таъкидлашича, Авакян айбига иқрор бўлиш учун қийноққа солинган. 2018 йил майида Авакян ўзининг Жиззах вилоятидаги тартиби унча қаттиқ бўлмаган қамоққа кўчирилди ва унга кўпи билан икки ойда озод қилиниши айтилди. Ҳисобот даври охирида ҳам у қамоқда қолаётган эди.

Ўзбекистондаги камсонли шиа мусулмонлари жамоати вакили Жаҳонгир Кулижанов ноконуний диний ташкилотга аъзолик ва экстремистик диний материалларни тарқатганликда айбланиб судланган эди ва 2018 йил давомида қамоқда қолди. Кулижанов 2017 йил февралида Бухородаги кафелардан бирида ноқонуний диний йифин ўтказгани ва шиа мусулмонлари адабиётини алмашгани учун хибсга олинган 20 нафар шиа мусулмонининг бири бўлди. “Форум 18” маълумотига кўра, Кулижановнинг tengdoшлари маҳаллий шиалар масжиди имоми ўрнини эгалламоқчи бўлгани учун нишонга олиниб, шу кўйга тушди, деб ҳисоблади. 2019 йил феврали, яъни ҳисобот давридан сўнг Кулижановнинг қамоқ муддати қисартирилиб, қамоқдан бўшатилгани хабар қилинди, бироқ унинг қамоқдан чиқиши билан боғлиқ тафсилотларни тасдиқлашнинг имкони бўлмади. 2018 йил “Ҳюман Райтс Уотч” Руҳиддин Фахриддинов (Фахрутдинов), Нодирбек Юсупов ва Асқар Аҳмадийни диний маҳбус деб ҳисоблаб келди; хабарларга қараганда, Юсупов ҳисобот давридан сўнг озод этилган бўлиши ҳам мумкин.

**Мусулмонлар диний фаолиятининг чекланиши:** Юқорида қайд этилган айрим ижобий ўзгаришларга қарамасдан, йил давомида мусулмон қавмига нисбатан диний эркинликни топташ ҳолатлари сақланиб қолди. Бу, айниқса, давлат қўллаб-қувватлайдиган меъёрлардан четга чиқувчи қарашлар ва ҳаёт тарзини ёқлайдиган шахслар ва диний қавмларга тегишли бўлди. Бундай қавмга исломни консерватив талқин қиладиганлар киради. 2018 йил августида ҳукумат ўқувчиларнинг кийими ва ташки кўринишини тартибга солувчи қоидаларни қабул қилди, уларга кўра, мактабларда диний кийимлар кийиш ёки диний рамзларни тақиши, жумладан, ҳижоб, тақя ва хоч қатъий ман қилинади. Хабар қилинишича,

диний кийимларни тақиқлашда Ўзбекистондаги этник ва диний ранг-баранглик ва мамлакатнинг дунёвийлик табиати ҳисобга олинган. Бунда Ўзбекистон ҳукумати диний эркинликни чеклаш учун фойдаланадиган ижтимоий зиддиятга йўл қўймаслик баҳона қилиб кўрсатилади. Диний ҳиссиётни ифода қилиш билан камроқ боғлиқ бўлган бошқа қоидалар, масалан, ўғил болаларнинг шими тўпифидан пастга тушиб туриши кераклиги тўғрисидаги талаб ҳам мусулмонларнинг диний амалиётини чеклаётгани учун танқид қилинди. 2018 йил сентябрида қиз талабалар янги ташкил этилган Халқаро ислом академияси биносига кириш учун рўмолини ечишга мажбурлангани хусусида хабарлар пайдо бўлди. Мактаблар маъмурияти ясама соч кийган ёки рўмолини бўйнига ўраган ўқувчиларга дарсга қўйилиши учун босим ўтказди. Рўмолини ечмаган қизлар мактабга ва дарсларга киритилмади. Камида тўрт нафар қиз талаба ҳижобини ечмагани учун академиядан ҳайдалгани хабар қилинди.

Шу тариқа Ўзбекистонда ислом динининг жамиятдаги роли ва ўрнини жамоатчилик олдида кўллаб-куватлаш ва шу йўл билан ҳукуматнинг мусулмонларнинг диний эркинлигини чекловчи сиёсатига қаршилик қилинган ҳолатлар бўйича жазолаш давом эттирилди. 2018 йил августи ва сентябрида камида 8 нафар блоггер: Миразиз Аҳмедов, Тўлқин Остонов, Сулаймон Эркин, Диљшодбек Халилов, Адҳам Олимов (тахаллуси – “Мусанниф”), Зиёвуддин Раҳмон, Хуршидбек Муҳаммадрозиков ва Отабек Усмонов ёзганлари ва ҳукуматни диний масалалар, жумладан, ҳижоб ўраш бўйича чекловларига оид сиёсатини танқид қилгани учун мамлакатнинг турли шаҳарларида ҳибсга олинди. Аслида 30 га яқин киши ҳибсга олингани, аммо улар ўзи ёки оиласаридан ўч олинишидан қўрқиб, ҳибсга олинганини ошкор қилмагани айтилмоқда. Ижтимоий тармоқлар, асосан, Фейсбуқда чоп қилинган хабарларда айрим блоггерлар мактабларда рўмол ўраш тақиқлангани учун ҳукуматга қарши норозилик билдиришга даъват қилиб чиққанидан сўнг ҳукумат – бундан бўёнги ҳурфиксаликни бўғиши учун бўлса керак – уларга ташланди. Ҳибсга олишдан аввал милиция билан ДХХ ходимлари ордер олмасдан туриб блоггерларнинг уйига рейд уюштириди, уларнинг компьютерлари, мобил телефонлари ва китобларини мусодара қилди. Аксарият блоггерлар оқибатда жаримага тортилди ёки 15 кунга қамалди. Тошкент шаҳридаги ҳокимият идоралари 2018 йил сентябрь бошида ҳижобга оид чекловларга қарши ўтказилиши режалаштирилган норозилик намойишини тақиқлади.

Бундан ташқари, Тошкентдаги “Омина” масжиди имоми Фазлиддин Парпиев 2018 йил сентябрида президент Мирзиевга Фейсбуқ орқали қилган видеомурожаатидан сўнг эгаллаб лавозимидан бўшатилди. Ўша мурожаатида у президентдан исломий ҳижоб ва эркакларнинг соқол қўйиши билан боғлиқ чекловларни санаб ўтиб, диний кийим кийишга бўлган тақиқни бекор этишни илтимос қилган эди. Гарчи Ўзбекистон мусулмонлари идораси Парпиевнинг ишдан бўшатилиш сабабини аниқ айтмаган бўлса-да, “Озод Европа/Озодлик” радиоси бир амалдор уни ҳукумат сиёсатини ошкора танқид қилишда

“сценарийдан чиқиб кетганлик”да айблаганини хабар қилди. 2018 йил охирида прокурорлар ижтимоий тармоқларда “сиёсий” постлар қўйишни бас қилишдан огоҳлантиргандан кейин Парпиев оиласи билан Ўзбекистондан чиқиб кетди.

Боз устига, ҳаж ёки умра зиёратига бормоқчи бўлган фуқаролар ҳукуматдан рухсат олиши талаб этилади. Бу Саудия Арабистонида ҳар бир мамлакат учун ўрнатилган квотадан бўлак ва кам микдорни ушлаб туришга хизмат қилаётгани айтилади. 2018 йил октябрида ҳукумат яна Ўзбекистон фуқароларининг виза олиш ва сафарини режалаштириш учун хусусий сайёхлик ширкатларидан фойдаланиши тақиқланишини эълон қилди; улар бунинг ўрнига ДИҚ ташкил этаётган сафарлардан фойдаланилиши керак; бунинг учун фуқаролар молиявий аҳвол, саломатлик, диний билимга оид бир қанча мезонларга жавоб бериши ва сафарга чиқишуучун ўzlари яшаб турган жамоатда бўлиб туриши лозим. Гарчи ҳукумат авиарейслар ташкил қилиш ва тезроқ виза олиб бериш сингари хизматлари билан ҳаж ва умра зиёратларини амалга ошириш жараёнини енгиллаштираётганини иддао қилган бўлсада, мусулмонларнинг диний зиёрат қилиш имкониятларини чеклади, чунки ҳукумат мажбурий қилиб қўйган квотадан кўра кўпроқ мусулмонлар диний зиёратга бориш учун ариза беради.

**Христианларнинг жазоланиши:** Ўзбекистондаги христиан ташкилотлари – хусусан, протестантлар ва Иегова шоҳидлари – диний фаолиятининг деярли барча жабҳаларида кескин чекловларда дучор бўлмоқда. Гарчи ҳукумат диний эътиқод амалларининг қонунчилик йўли билан қатъий чекланишини қайта кўриб чиқишига ваъда берган бўлса-да, ҳокимият идоралари христиан ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, диний адабиётларни тарқатиш ва уларга эга бўлиш, миссионерлик фаолияти масаласида таъқиб қилишни давом эттиради. Чунки Ўзбекистон ҳукумати прозелизмни ижтимоий барқарорликка таҳдид солади деб ҳисоблайди, миссионерлик фаолияти ҳам қатъий тақиқланади.

БМТнинг маърузачиси Аҳмад Шаҳиднинг 2018 йил февралидан эълон қилинган хисоботи да айтилишича, Ўзбекистонда давлат рўйхатига олишнинг мураккаб талаблари христианлар сингари камсонли диний қавмларни камситади, улар давлат рўйхатидан ўтиш учун дастлабки шартларни бажара олмайди. Қонунчиликда диний жамоат давлат рўйхатидан ўтиш учун камида 100 нафар балоғат ёшидан Ўзбекистонда яшаётган, шахсий маълумотларини давлатга тақдим этишни истайдиган фуқаро унга аъзо бўлиши керак – айни талаб кўплаб камсонли христиан қавмларининг давлат рўйхатидан ўтишига тўсқинлик қиласи. Бундан ташқари, кўплаб христиан қавмларининг давлат рўйхатидан ўтиш учун Адлия вазирлигига ариза беришмга тўсиклар мавжуд, чунки улар маҳалла қўмитасидан мажбурий ва дастлабки рухсатномани ола билмайди, чунки маҳалла қўмитаси моҳиятан ўзбошимчалик билан қарор чиқаради. 2018 йил сентябрида Иегова шоҳидлари давлат

рўйхатидан ўтиш учун бир неча маҳалла қўмитасига ариза берди, аммо ҳар бир ҳолатлда рад жавобини олди. Айрим қўмиталар нима учун рад этгани сабабини айтмаган бўлса, бошқалари ушбу диний гуруҳни кўпчилик маъқулламаслигини айтиб, унинг ҳудудида давлат рўйхатидан ўтган христиан қавмлари етарли эканини иддао қилди ёки Иегова шоҳидларини давлат рўйхатидан ўтказиш жамоат ичидаги бўлиниш ва зиддиятларга олиб бориши мумкинлигини гумон қилди. Шу пайтгача Иегова шоҳидлари фақат Тошкент яқинидаги Чирчик шаҳрида рўйхатдан ўтишга муваффақ бўлди.

Христиан жамоатлари рўйхатдан ўтиш муаммоси етмагандай, милиция ходимларининг доимий қўрқитиши ва таъқиби, рейidlари, жарималари ва ҳибсига ҳам дучор бўлди. 2018 йил давомида Черковларнинг баптистлар кенгашини ҳокимият идоралари Навоий, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида доимий тарзда таъқиб қилди. Хабар қилинишича, милиция ходимлари баптистларининг ибодат жойларига ва юритаётган корхоналарига рейд уюштириди; тегишли буйруқсиз тинтуб ўтказди, мулкини тортиб олди ва йўқ қилди; баптистларга, диний амалларини тинч бажарганига қарамай, қамаш билан таҳдид этди. 2018 йил январида милиция ходимлари баптистларнинг 8 яшар ўғлини отонасинига билдирамасдан ва уларнинг ўша ерда эмаслигига қарамай Навоий шаҳридаги мактабдан сўроқ қилиш учун олиб кетди. 2018 йил ноябррида Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида баптистларга қарши рейд уюштиришда ҳарбийлар иштирок этди ва у “махсус амалиёт” деб аталди. Ҳокимият идоралари тахминан 7800 дона адабиёт ва ОАВ нашрларини мусодара қилди ҳамда 14 кишини милиция участкасига олиб бориб, вақтинча ҳибсда ушлаб турди. Милиция ходимлари баптистлардан ташқари бир қатор протестант қавмлари, жумладан, 2018 йил сентябррида Тошкент шаҳридаги этник корейслар черковига рейд уюштириди.

Айрим ўзбек амалдорлари уюштирилган рейdlар учун ошкора таассуф билдири ҳамда милиция ходимларининг сўнгги хатти-ҳаракатларини маҳаллий даражада қонунларни кўллаш билан боғлиқ муаммолар борлиги билан тушунтиromoқчи бўлди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон ҳукумати ушбу доимий ва анча йиллардан бери давом этиб келаётган амалиётни самарали тарзда жиловлай билмади. Боз устига, кўпинча милициянинг Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бошқармаси рейdlар ўтказди. 2018 йил декабрида мазкур бошқарма вакили Урганч шаҳридаги бир протестант оиласига рейд ўтказгандан сўнг аёлнинг қайнонасини милиция участкасига чақиритириб, келинини протестантлар “руҳсат этилмаган йигинлар” ўтказгани ҳакидаги аризага қўл қўймагунча калтаклашни буорди.

**Бошқа камсони диний қавмлар:** 2018 йил майида маҳаллий ҳокимият идоралари Тошкент чеккасида жойлашган “Ҳамдардлик” буддавийлар ибодатхонаси ҳудудининг бир қисмини тортиб олиш режаси борлигини эълон қилди. Ҳокимият идоралари Марказий Осиёдаги яккаю ягона деб таърифланган буддавийлар ибодатхонаси ҳудудининг бир қисм ери унинг

ёнидан ўтадиган йўлни кенгайтириш учун кераклигини айтди. 2018 йил октябрида Тошкентдаги ҳукумат вакиллари аралашгандан сўнг йўлни кенгайтириш режаси ўзгартирилиб, у черков ҳудудинини айланиб ўтадиган бўлди. Шунга қарамасдан, ҳисобот даври сўнггида маҳаллий ҳокимият идоралари йўлни ибодатхона ҳудуди ҳисобига кенгайтириш бўйича дастлабки режага қайтишни мўлжалланаётгани хабар қилинди.

## АҚШ сиёсати

Кўшма Штатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар Марказий ва Жанубий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик масалалари, жумладан, тероризм, наркотикларнинг ноқонуний савдоси ва одам савдосига қарши курашга қаратилди. Ўзбекистон яна Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) ва Кўшма Штатлар кўшинлари учун муҳим ҳамкор бўлиб хизмат қилди. Улар Ўзбекистондан Шимолий тақсимот тармоғининг (ШТТ) қисми сифатида таъминот учун муҳим маршрут қилиб фойдаланди. 2018 йил мартада Ўзбекистонда Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси ўтказилди, унда БМТ бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Томас А.Шенон давом этаётган тинчлик ва қайта ярашув жараёни масалаларини муҳокама қилиш учун [иштирок этди](#). Ўзбекистон инфратузилмани ривожлантириш ва иқтисодий ёрдам бериш ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва Кўшма Штатлар ўртасидаги [С5+1](#) дипломатик форуми форматидаги мулоқот орқали Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларга ўз ҳиссасини кўшди.

2018 йил майида президент Мирзиёев президент Доналд Ж.Трамп билан учрашиш учун Оқ Уйга ташриф буюрди, бу Ўзбекистон президентининг 2002 йилдан бери Кўшма Штатларга илк сафари эди. Президент Трамп қайд этишича, Ўзбекистон сўнгги пайтларда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳот борасида олға силжишга эришди ҳамда мамлакат инсон ҳуқуqlари ҳимояси шароитларини яхшилаш сари қадамлар қўйди. Томонлар беш йилилк ҳарбий ҳамкорлик режаси бўйича мудофаа соҳасида ҳамкорлик қилмоқда, савдо-сотиқ борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришига интилмоқда, Мирзиёевнинг сафари вақтида таминан 4,8 миллиард долларлик бизнес битимларига эришилди. Ўша ойда Кўшма Штатлар Ўзбекистон билан [стратегик шерикликнинг янги даври](#) бошланганини эълон қилди. Ушбу шериклик минтақавий хавфсизлик, инсон ҳуқуқи ҳимояси ислоҳоти ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларини қамраб олади.

2018 йил июлида ўзбек дипломатлари Давлат департаментининг [Диний эркинликларни кўллаб-куватлашга бағишланган илк вазирлар йигинида](#) иштирок этди. Давлат котиби Майк Р. Помпео [маъруzasida](#) Ўзбекистоннинг диний эркинликларни кенгайтириш борасида қўяётган қадамларини олқишилади. Яна 2018 йил сентябрида Халқаро диний

эркинлик масалаларига алоҳида топшириклар бўйича элчи Сэмюэл Д. Даунбек диний эркинлик аҳволини яхшилашда ёрдам бериш ва қонунчилик ислоҳотини қўллаб-куватлаш учун Ўзбекистонга сафар қилди. 2018 йил сентябррида Давлат департаменти Ўзбекистонни “Алоҳида ташвиш уйғотадиган мамлакатлар” рўйхатидан чиқариб, “диний эркинликларнинг жиддий бузилиши”да қатнашган ёки шунга тоқат қилган ҳукуматлар киритиладиган “Махсус кузатув рўйхати”га киритди. . Бу Ўзбекистонда ушбу масалада олға силжиш бўлганини кўрсатди, чунки ушбу мамлакат 2006 йилдан 2017 йилгача “Алоҳида ташвиш уйғотадиган мамлакатлар” рўйхатига киритилиб келаётган эди. Ўзбекистон ҳукуматининг диний эътиқод эркинлигига оид қонунларни ва шароитни ислоҳ қилишдай самимий истагига қарамасдан, 2018 ҳисобот йили давомида “Алоҳида ташвиш уйғотадиган мамлакатлар” рўйхатидан чиқарилишни оқлаш учун етарли даражада олға силжишга эришилмади. Шунинг учун USCIRF ушбу “Алоҳида ташвиш уйғотадиган мамлакат” сифатидаги белгилашни Ўзбекистон ҳукуматини шу иш билан шуғулланишга жалб этиш, рағбатлантириш ва маслаҳатлар бериш воситаси сифатида сақлаб қолишни тавсия этади, чунки Ўзбекистон ҳукумати барча кишилар учун дин ва эътиқод эркинлигини яхшилаш борасида тарихий саъй-ҳаракатлар қилмоқда.